



Сайтимизга ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.



Mahalla

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Муҳтарам Юртбошимиз «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асарига: «Аёлларимизнинг турмуш шароитини енгила қилиш борасида биз учун майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлмайдۇ ҳам. Аёлнинг кайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл-юрт рози бўлади», дея таъкидлайди.



Эъзоз, эътибор, эътирофга сазовор

Зеро, аёл, аввало, она, сеvimли ёр, уй бекаси сифатида қадрланади, эъзозланади. Бу азалий қадрият, эътибор ва эътирофлар истиқлол йилларида янада қўлоч ёйди, сайқал топди. Президентимизнинг юртимиз

аёлларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган даъватлари фикримиз тасдиғидир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда аёллар эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустақамланган. Бу борада қабул қилинган меъё-

рий-ҳуқуқий ҳужжатлар, имтиёз ва имкониятлар хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаоллашувини янада оширмоқда. Бугун улар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳар жабҳасида фаол, яъни улар нафақат она,

уй бекаси, вафоли ёр, балки фермер, тadbиркор, ишбилармон, йирик ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, сармоядор сифатида эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётир. Қўламини кенг бу эзгу ишлар фуқаролар йиғинлари

фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

Фарғона вилояти Данғара тумани Увайсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини ҳимоялаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга ошириладиган ишловлар билан таништиришда самарали натижаларга эришилмоқда.

— Маҳалламизда умргузаронлик қилаётган аҳолининг асосий қисмини аёллар ташкил этади, — дейди йиғин раиси Охунжон Умаров. — Шу боис йиғинимиз қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятига алоҳида эътибор қаратганимиз. Бугун мазкур комиссия аъзоларининг сайй-ҳаракати билан хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб бораётир. Айниқса, уларнинг тadbиркорлик, хусусий бизнесни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги фаоллиги эътирофга лойиқ. Айни кунга қадар тadbиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган 15 нафар ишбилармоннинг 8 нафари аёллардир. Улар ташаббуси билан ташкил этилган турли ишлаб чиқариш тармоқларида юзла яқин иш ўрни яратилди. Энг муҳими, қўллаб аёлларимиз фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда фойда-

ли меҳнат билан шугулланаётгани турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Замирахон Мирзаева ана шундай ташаббускор ишбилармонлардан. Бугун у ташкил этган корхонада шифобахш хусусиятларга бой новвот тайёрланмоқда. Маҳфузaxon Муродова очган тикувчилик тармоғида эса болалар кийим-кечаклари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Қувонарлиси, бу корхоналарнинг ҳар бирида 10-15 нафардан зиёд маҳалла хотин-қизлари меҳнат билан банд.

Айтиш жоизки, бугун ҳудудда дўппидўзлик, қандолатчилик, тўқувчилик, тикувчилик сингари ҳунармандчилик тармоқлари кенг қўлоч ёзиб, ҳунараманд фуқароларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйиш иштиёқи ортиб бораётир. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг кўмаги қўл келмоқда. Бево-сита фаолларнинг сайй-ҳаракати, олиб бораётган тарғибот тadbirlари натижасида маҳаллада оилавий ажрим, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, хотин-қизлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги барҳам топди.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

Ўқув-семинарлар

Ташаббус ва фаолликка ундамоқда

Сурхондарё вилояти Денов туманида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Тadbирда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни, маҳаллалар қошидаги комиссиялар билан ўзаро ҳамкорлиқни такомиллаштириш масалалари, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид, бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялаш каби мавзуларда тушунтиришлар берилди.

— Бугунги семинар биз, маслаҳатчилар фаолиятини янги босқичга кўтаришга туртки бўлиши аниқ, — дейди Денов тумани «Боғинав» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Юлдуз Розикова. — Айниқса, жорий Соғлом она ва бола йилида олдимизда турган долзарб вазифаларни бажариш, оналар ва болалар репродуктив саломатлигини таъминлаш, ўқувчиларни 12 йиллик маълумотий таълимга тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида услубий тавсияларга ҳам эътибор қилиш. Семинарда маърузалар шунчаки тингланмади, балки иш фаолиятимиз давомида эътибор қаратишимиз лозим бўлган муҳим масалаларда ўзаро фикрлашиб, тажриба алмашиш имкони туғилди. Бундай тadb-

бирлар фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини шиддат билан ривожлантаётган замон талабларига ҳамнафас бўлиб яшашга, ўз фаолиятига муносабатини ўзгартиришга замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ижтимоий ҳаётида маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, ўтган йили вилоятдаги 712 та фуқаролар йиғинида маслаҳатчиларнинг сайй-ҳаракати билан ёшлар ўртасида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида 24615 мингта яқин маънавий-маърифий тadbirlар ўтказилди.

Бундай тарғибот тadbirlари фарзандларимизни маънавий юксалтириш, бузғунчи ғояларга қарши кураш кўникмасини шакллантириш, пировардида, баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтган семинар жараёнида маслаҳатчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Худди шундай ўқув-семинар Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида ҳам ташкил этилди. Бундай тadbirlар республикамиз бўйлаб қизгин давом этаётир.

Мухбиримиз.

КЕНГАШ КўМАГИДА

Юзма-юз мулоқотдан муаммолар ечим топди

Фуқаролар йиғинлари ишлари самарали ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит билан таъминлашда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг алоҳида ўрни бор.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тadbirlар билан танишиш мақсадида Анджон вилояти Избоскан туманига йўл олди: «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Избоскан тумани бўлинмаси раиси, туман мувофиқлаштирувчи Кенгаши раиси ўринбосари Абдуллажон Ҳожиматов билан соҳада эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар ҳақида суҳбатлашдик.

Абдуллажон Ҳожиматов даст-аввал Кенгаш таркибидаги 28 нафар аъзо билан таништириб, уларнинг фикр-мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслари тўғрисида фуқаролар йиғинларидаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топаётгани ҳақида гапирди. Дарҳақиқат, 2015 йилда ўтказилган йиғилиш баённомалари билан танишар эканмиз, мутасаддилар зиммасидаги вазифаларга масъулият

билан ёндашгани, Кенгаш Низомини доирасида иш юритганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, туман ҳокими иштирокидаги 12 та, прокурор иштирокидаги 10 та, ички ишлар бўлими бошлиғи иштирокидаги 9 та йиғилишда кун тартибидаги долзарб масалаларнинг ўз вақтида ижобий ҳал этилгани юқоридаги фикримизга далилдир.

Ўтган йили Пойтуғ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Яхёбек Ҳакимов Фонднинг туман бўлинмасига маҳалла идораси биноси фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга кел-

гани, бино йиғин балансида эмаслиги ҳақида мурожаат қилди. Табиийки, ушбу ўринли мурожаат ўрганиб чиқилди ва Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши кун тартибига киритилди. Натижада халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги бино туман ҳокими қарорига мувофиқ, «Янгиобод» маҳалласи тасарруфига ўтказилди. Қолаверса, Фонднинг туман бўлинмаси кўмағида бинони таъмирлаш учун 5 миллион сўм маблағ ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

МАСЛАҲАТЧИ ТАЖРИБАСИ

Иши ҳам, ташвиши ҳам одамлар орасида

Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида ишлаш нафақат дунёвий, балки диний илмдан ҳам хабардор бўлишни талаб этади.

Чунки фаолият жараёнида маънавий-ахлоқий тарбияга оид фуқаролар таклифларини ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш лозим.

Мазкур лавозим ахлоқ-одобда, юриш-турушда, муомала маданиятида барчага ибрат

кўрсатишни тақозо қилади. Шундагина маслаҳатчининг сўзи ўткир, таъсирли, фаолияти эса самара келтиради.

Хумор Турдиева ана шундай фазилатлари тўғрисида Қарши шаҳридаги «Арал» маҳалла фуқаролар йиғинида 12 йилдан бери диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият юритиб келаётир.

— Ҳамиша аҳоли орасидан, қувончли кунларида ҳам, ташвишли дамларида ҳам уларга елкадош, маслакдош бўлишга ҳаркат қиламан, — дейди Х.Турдиева. — Ай-

ниқса, оилавий низолар, келишмовчиликларни муроса йўли билан бартараф этишга уринаман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу келишмовчиликларнинг аксарияти ёш оилаларда кузатилади.

Кўпинча янги тушган келинчақларнинг ҳалдан зиёд эркалиги, катталарнинг насиҳатларини нотўғри тушунишлари бунга сабаб бўлади. Шундай вазиятларда уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашамиз, ёшларга эркалигу тангиқликни ота уйида қўлириб, қайнота-қайнона уйида уларнинг панду насиҳатларига амал қилиб яшаш лозимлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтирамиз.

(Давоми 2-бетда).

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Аҳиллик ҳаётнинг ҳар жабҳасида намоён

— Оиламиз билан Ўзбекистонга кўчиб келганимизда 5 ёшда эдим. Болалигим Навоий вилояти Хатирчи туманида ўтган. Ўша кезлардаёқ мурғак қалбим билан бу юртнинг одамлари меҳр-оқибатли эканлигини ҳис қилганман.

Кейин уруш бошланди, отам биринчилар қаторида фронтга кетди, онам эса оғир хасталикдан вафот этди. Ана шу диёнатли, оқибатли халқ биз — ота-онасиз чин етимларни асло ёлғизлатиб қўймади. Қўни-қўш-ниларнинг, атрофдагиларнинг бағрикенглиги, муруввати оғир дамларда менга дадла бўлди. Шу юртда бахтимни топдим, оилали бўлдим, фарзандларимни

улғайтирдим. Ўзбекистонни ўз уйим, Ватаним дейман. Маҳалламни, маҳаллошларимни ҳеч нарсасга алишмайман...

Навоий шаҳридаги Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи 88 ёшли Зиннур Шарафиддинова ана шуларни таъкидлар экан, маҳалладаги каттаю кичик ўзини «абийжон» дейишидан фахрланишини яширмайди.

Ҳақиқатан ҳам, у «Зарафшон»

маҳалла фуқаролар йиғинининг хурматли онахони, айниқса, қиз-қувонларнинг сеvimли маслаҳатгўйи. Келини аразлаган қайнона борми, рўзгор юмушларини эп-ломлаётган келинчақ борми, онахон йўл-йўриқ кўрсатиб, турмушини изга солади. Бунга Зиннур абийнинг бой ҳаётий тажрибага эгаллиги, ёшлигида пазанда, чаққон ва саранжом-сариштали бўлгани қўл келса ажабмас.

Зиннур халса ҳамон маҳалла келинларига балиш, сомса, қўймоқ пиширишни ўргатади, гулларни парваришда маслаҳатлар беради.

(Давоми 2-бетда).

КУН НАФАСИ

Қоидалар янги талқинда

Жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» кучга киради.

Албатта, бу борада маҳалла фаоллари ҳам жойларда аҳолига ушбу ўзгаришлар ҳақида тушунчалар бериб бурса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида бўлиб ўтган тadbирда йиғилганларга янги қоидалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Автотранспорт соҳаси жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда автоуловларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, улардан тўғри фойдаланиш қолаверса, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишлари барчага бирдек масъулият юклайди.

Хусусан, йўлга чиқаётган ҳайдовчининг соғлом бўлиши билан бир қаторда транспорт воситаси ҳам техник жиҳатдан соз бўлиши ва амалдаги талабларга жавоб бериши лозим. Шу билан бирга, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи ҳушёрлиқни йўқотмаган ҳолда транспорт воситасига чиқаётган ҳар бир йўловчига, уларнинг юқларига эътибор қаратиши, шубҳали хатти-ҳаракат қилган йўловчи ёки буюмларга қўзи тушган тақдирда ички ишлар идоралари ходимларига хабар бериши керак.

— Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»ни аҳоли ўртасида тушунтиришга ҳаракат қилишимиз, — дейди вилоят ИХББ ШТББХ ва ЖБАББ катта инспектори, капитан Фарҳод Мўминжонов. — Ана шу мақсадда бугунги йиғилишимизга «Ватанпарвар» ташкилоти, «Автомобиловадорлар» кўнгилли жамияти раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ходимлари ҳамда фуқаролар йиғинлари вакилларини таклиф этганмиз.

Дарҳақиқат, янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»га биноан, транспорт воситаларида тиббиёт кутчаси, мажбурий тўхтаганлиқни билдирувчи белги (ёки милтиқовчи қизил чирок) ва нур қайтаргичли жилет бўлиши зарур.

Тadbирда кўнрали ёруғ вақтида яқинни ёритувчи чирокларни ёкиб юриш ҳамда белгиланган транспорт воситалари ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигига доир видеоорлиқлар, фильмлар намойиш этилди.

Мухбиримиз.



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Саховат ҳар кунги эзгу амал

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги «Эшон» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилиб келаётган Раҳмонали Тўрақулов оиласидаги моддий етишмовчиликдан қийналиб қолди. Айниқса, қишқи об-ҳаво туфайли таъмирталаб уй-жойида ноқулайликлар юзага келди. Гоҳ томдан чакка ўтса, гоҳ эшик-ойналар зич ёпилмаганидан хоналар совиб кетарди. Ахир, у маҳалла фуқаролар йиғинининг Ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича комиссиясига мурожаат қилди.



Комиссия аъзолари фуқаро аризасини ва унинг шароитини ўрганиб чиқишга, уй-жойини таъмирлашга кўмаклашди. Раҳ-

монали Тўрақулов бундай ғам-хўрликдан миннатдор бўлди. Якка-ёлғиз яшовчи Анорхон Ғозиева эса комиссия аъзолари

ва маҳалла фаоллари кўмагида саховатеша тadbиркор Нодирбек Давронов томонидан оталиққа олинди. Яқинда Анорхон ая ҳомийлар кўмагида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саҳат қилди.

Фуқаролар йиғинининг Ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича комиссияси ёрдами билан 4 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳулуддаги мактаб-гача таълим муассасасига, Ма-лоҳат Жўраеванинг фарзанди Қўқон шаҳридаги махсус мактабга имтиёз асосида жойлаштирилди.

— Ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдири, қадр-қиммати мўжассам, — дейди йиғин раиси Дилшод Эшонқулов. — Комиссия оилаларни ўрганиш, кам таъминланганлар, ўзгалар парварishiга муҳтожларни аниқлашда ҳолисона иш юритади. Энг муҳими, қабул қилинган қарорлар шаффоф бўлиши, кишиларнинг маҳалла институтига ишончи ва умидини сўндирмаслиги лозим.

Дарҳақиқат, ҳар бир мурожаатни синчков нигоҳ билан кўриб чиққани боис комиссия аъзолари ўтган йилнинг ўзида 25 нафар фуқаронинг аризасини қонун меъ-

依лиқни таъминлаётир.

Мониторинг натижалари орасида бир факт диққатимизни тортиди. Гап шундаки, илгари кам таъминланганлар рўйхатида турган, маҳалланинг бегараз ёрдами билан оиласидаги моддий аҳволни қисқа муддатда ўнлаб олган Элёрбек Нортोजиевга бутун кўпчилик ҳавас қилади. Ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг амалий ёрдами билан бу йигитга элиқта парранда олиб берилди. Бугун паррандалар сони икки бараварга кўпайди. Оила дастурхонидан парҳезбоп гушт, туҳум аригани йўқ, Рўзгордан ортгани — сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотларнинг маҳалладошлари савдо тармоқлари ҳодимлари орасида бозори чаққон. Бу эса оила даромадини кун сайин оширмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоялаш фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш, дастурхонлар тўкилигини таъминлаш, оилавий можораларга чек қўйишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

■ **Р. КАМОЛОВ**
«Mahalla»

БАЙНАМЛАЛ МАҲАЛЛА

Аҳиллик ҳаётнинг ҳар жабҳасида намоён

«(Давоми. Боши 1-бетда).»

— Хонадонда гул бўлиши беканинг нозик дилидан, меҳнаткашлиги ва орасталигидан дарак, — дейди Зиннур ая. — Аёл киши уйини тоза тутиши, ўзи ҳам ораста юриши керак. Мен ёшлигимда узун сочларимни қирққоқил ўриб, атлас кўйлақларда юришни яхши кўрардим. Ўзбекларнинг қалби мисол урф-одатлари, либослари ҳам чиройли. Шунини қувон билан айтишми керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча миллат ва элат вакиллари бир хил ҳуқуққа эгалиги кафолатлангани менга ифтихор бағишлайди. Шаҳримизда татар миллий-маданий маркази фаолият кўрсатаяпти. Марказ бошчилигида ҳар йили «Сабан» тўйини нишонлаймиз. Тadbиримизда қилаётгани юртимизда миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликнинг барқарорлигидандир.

Сўхбатимиз якунида Зиннур ая ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг 1-қаватида фаолият кўрсатётган, ундан ҳамisha хабар олиб турадиган ҳарбий қисм савдо бўлими мутасаддиларидан, шунингдек, «Саховат» масъулияти чекланган жамиятига қарашли деҳқон бозори маъмуриятдан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

— Бу олижанобликлар бошида, албатта, маҳалла турибди, — дейди З.Шарофиддинова жилмайиб. — Маҳалла биз, кексаларни эъзозлаб, ҳомийларни хайрли ишларга даъват етаяпти.

Дарвоқе, «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида рус, татар, қирғиз, немис, корейс, озарбай-

жон, арман ва бошқа миллат вакиллари тотувликда умргузаронлик қилмоқда. Кўпмиллатли ҳулуддаги тинчлик-хотиржамлик, ўзаро ҳамжиҳатликда маҳалланинг ҳиссаси катта. Чунки фаоллар байрам ва кўтулғ саналарда, энг аввало, қардош миллат вакилларини йўқлашди. Татар йиғити Ёркин Достононинг йиғинидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорни эканлиги ҳам ҳулудда байналмилал муносабатлар янада яхшиланишида омил бўлмоқда.

— Ўтган йилнинг ёзида «Маҳалла» хайрия жамоат билан кам бўлиммаси ёрдами билан кам таъминланган фуқаро 80 ёшли Зинаида Кашаеванинг уйини таъмирлаб бердик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулбаҳор Раҳмонова. — Анна Ким, Александр Иванушин, Владимир Скарняков, Мария Серена ва Гуля Низамиева каби кекса ёшдаги маҳалладошларимиз аҳволдан доимо хабар оламиз. Уларнинг панд-насихатлари маҳаллаимизда миллатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда кўл келмоқда.

Умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган маҳалла ёшлари орасида умидли спортчилар кўпчилигини ташкил қилади. Жумладан, Шўхрат Шарипов миллий кураш, Динара Шарипова ва Шоҳида Жиянова сузиш, Гавҳарой Алимова стол тенниси, Маржона Ёркинова каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони. Улар халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб келишмоқда.

■ **Холбиби САФАРОВА**
«Mahalla»

МАСЛАҲАТЧИ ТАЖРИБАСИ

Иши ҳам, ташвиши ҳам одамлар орасида

«(Давоми. Боши 1-бетда).»

Бу эса айрим оилаларнинг ҳеч бир сабабсиз, арзимаган гап-сўзлар оқибатида дарз кетишининг олдини олишда кўл келмоқда.

Дарҳақиқат, маслаҳатчининг ҳулудда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ташаббусларини кўлаб-қувватлаш, шунингдек, уларни тadbиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида йиғин қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссия аъзолари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган сайё-ҳаракатлари эътирофга лойиқ.

— Жорий йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилгани

оилалардаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган ишларимизни янада жонлантиришда муҳим омил бўлаётир, — дейди маслаҳатчи. — Ҳусусан, Соғлом она ва бола йилида йиғинимизда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Режага мувофиқ, «Соғлом она — соғлом бола», «Соғлом бола туғилишида қайнонанинг роли», «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Соғлом турмуш тарзи — фаол ҳаёт гарови» сингари мавзуларда аҳоли билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилияпти. Tadbирларда оилавий поликлиника ҳодимлари, туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда таълим муассасалари мутасаддиларининг иштирок этаётгани тар-

ғибот таъсирчанлигини оширишга хизмат қилаётир. Бунинг натижасида оилавий низолар, ажримлар кескин камайиб, соғлом фарзандлар туғилишида қувонарли ютуқларни кўлга киритаямиз.

Хумор опанинг айтишича, маҳаллада ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Кимдир ҳунармандчилик билан, яна кимдир оилавий тadbиркорлик билан шуғулланади. Айниқса, аҳолининг асарияти шаҳар ҳулудида яшашига қарамай, ҳовлисидаги кафтедек ердан унумли фойдаланиб, турмушини обод қилаётгани таҳсинга лойиқ. Жумладан, 77 ёшли Зулайхо момо келинлари билан ўн икки йилдан бери хонадондаги мўъжаз иссиқхонада сабзавот ҳамда қўқат етиштиради. Алишер Қўчаров, Отабек Арсенов эса қарағай ва қора арча кўчатларини парварিশлаб, ҳулудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Тикниш-бичишда моҳир чеварлар Назира Каримова ҳамда Сайёра Норова якка тартибдаги тadbиркор сифатида фаолият юритиш билан бирга ҳар бири маҳалланинг 10-15 нафар аёл ва қизига ҳунар ўргатиб келаётир.

Ҳа, ташвиши ҳам, маслаги ҳам ташаббускор одамлар билан боғлиқ бўлган Хумор Турдиева учун бегона ишнинг, бегона кишининг ўзи йўқ. Маҳалладошлар ҳам унинг кўмагига, маслаҳатига таяниб шу маскан ривожини йўлида изланаётганларидан мамнун.

■ **Шоҳиста БОЗОРОВА**
«Mahalla»

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

Сўзи — ҳикмат, ҳаёти — ибрат

Сурхонадeрe вилoяти Термиз шаҳридаги «Аму соҳили» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Шерма-мат ота умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, кўни-кўшни, эл-юрт олаида ҳурмат қозонди, фарзандларини ҳам меҳнат қилиш билан бирга илм олиб, ҳунар ўрганишга, эзгу амалларнинг етагидан тугтишга ўргатди.



Бугун отанинг фарзандлари шифокор, ўқитувчи, фермер, тadbиркор сифатида эл қорига камарбаста.

Оиласи бағрида, неваралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Шермамат ота Давронов бугунги ҳаётидан мамнун. Отaxon 80 ёшни қаршилабди ҳамки, жамоат ишларида фаол. У фуқаролар йиғинининг катта ҳаёт тажрибасига эга нуруний сифатида ёшларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашда қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямай келаётир.

— Маҳаллаимизда ўтказилади-ган тadbирлар, йиғинларга фаолларимиз билан бир қаторда ёшлар ва нурунийларнинг ҳам жалб этилаётгани фаолият самардорлигига эришишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Аму соҳили» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фурқат Отақулов. — Айниқса, нурунийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, панд-насихатлари йиғинимиз қошидаги комиссиялар фаолияти, шунингдек, «Ота-оналар университети», «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигида асқотмоқда. Шермамат ота Давронов ана шундай фаол нурунийларимиздан. Отанинг кўмагисиз фаолиятимизни тасаввур қилиш қийин. Ҳар оила икки мар-жона Ш.Давронов бошчилигида «Сўзи — ҳикмат, ҳаёти — ибрат» шиори остида аҳоли билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш анъанага айланган. Унда йиғинимизнинг нуруний отaxon ва онахонларидан ташқари намунали оила вакиллари, ёш оилалар ҳамда ноқобил

оила бошчиқлари иштирок этиб, хонадонлардаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш юзасидан фикрлашиб олинади. Қолаверса, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, яқин қариндош ва эрта никоҳнинг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги борасида амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар режаси тузилади.

Ҳа, нурунийлар кўмагида уюш-қоқлик билан олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар натижасида охи-рги икки-уч йил ичида ҳулудда ҳеч қандай оилавий ажрим, эрта никоҳ ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари кузатилмади.

Дарвоқе, ўтган йили Шермамат отанинг ташаббуси билан йиғин ҳулудида спорт зали ташкил этилди. Tadbиркорлар ҳомийлигида ишга туширилган ушбу залда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилди. Айни кунда маҳалланинг юзга яқин ўғил-қизи машғулотларга қатнамоқда.

— Қани энди, мен ҳам истиқ-лол билан тенгдош бўлсаму турли соҳаларда ғайрат-шижоатимни намоён етсам, — дейди Шермамат ота набираларига ҳавас билан боқиб. — Бугун нурийдиларимнинг бахтдан порлаган кўзларига қараб, уларнинг имконияти ҳам, иштиёқи ҳам етарли эканидан қувонаман, гурурланаман. Бу эса биз, кексаларга куч-қувват бағишлаб, шу қорақўзларимиз келажиги, бахту иқболи йўлида эзгу ишларга ундайди.

■ **Нигина ШОЕВА**
«Mahalla»

КЕНГАШ КўМАГИДА

Юзма-юз мулоқотдан муаммолар ечим топди

«(Давоми. Боши 1-бетда).»

Айтиш жоизки, Кенгаш йиғини-лишлари бевосита маҳаллаларда ўтказилиши, унда мутасадди ташкилот раҳбарлари, соҳа мутахассислари, аҳоли, ижтимоий фаол бўлмаган аҳоли вакилларининг ҳам иштироки самардорликка эришишда кўл келмоқда. Чунки фуқаролар кундалик ҳаёт жараёнида юзага келаётган айрим камчиликлар ҳақида Кенгаш аъзолари билан мулоҳазаларини билдириш имкониятига эга бўлишяпти. Жумладан, Кенгашнинг шу йил 27 январда Туячи қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган йиғилишида қишлоқ врачлик пункти шифокори Гавҳарой Абдулҳаева хорихдан қайтган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш бора-сида йиғин комиссиялари, про-филактика нозирлари яқиндан ёрдам беришгаётганига қарамай, айрим фуқаролар мажбурий кўриқдан бош тортаётганини айтиб, бу борадаги ишларни кучайтириш лозимлиги ҳақида фикр билдирди. Туман прокурори Фарҳоджон Исмоилов ушбу масалани икки кун ичида ўрганиб, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқи-шини таъкидлади.

■ **А. АБДУЛЛАЕВ**
«Mahalla»

АМНИСТИЯ

Тўғри йўлни танлаш имконияти

Инсон ҳаётда адашиш, хато қилиши мумкин. Айбни кечирish эса халқимизга хос фазилат. Адашиб хатога йўл қўйганларни тўғри йўлга солиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрни-ни топиб кетишига кўмаклашиш эзгу амал ҳисобланади.

Истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган амнистия ак-тлари бу қадрият ўзининг тасди-гини топиб келётганидан дало-латдир.

Амнистия умумий афв этиш акти сифатида айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини тутатиш ёки жазони ен-гилаштириш ҳақида қабул қили-надиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатдир. Маскур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор йўналиш-ларини, балки халқимизнинг минг йиллар давомида асраб-авайлаб

келаятган бағрикенглик ва меҳр-мурувват каби олий фазилатла-рини ҳам ўзида акс эттиради. Амнистия актини қўллаш асо-сида ўз қилмишидан пушаймон бўлганларга ҳаётларини тўғри йўл-га солиш учун имкон яратилади. Шу боис маскур акта фақат маҳ-кумни ёки жиноятни содир эт-ган шахсни жазодан озод этиш-ни кўзда тутиви ҳужжат сифати-да қарамаслиқ керак. Чунончи, амнистияга биноан жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид комплекс чора-тадбирлар ҳам

амалга оширилади.

2015 йилнинг 3 декабрида Олий Махлис Сенатининг «Ўзе-бекистон Республикасини Конститу-цияси қабул қилинганлигининг йиғирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор суд ҳукми билан жазо тай-инланган ёки жазони ижро эта-ётган маҳкумларни, жиноят со-дир этган шахсларни ҳамда суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, жазонинг тегишли қисмини ўта-ни ҳам маҳкумларни жазодан озод қилишни назарда тутди.

Фикримизни мисоллар билан давом еттирсак. Ташкент вилоя-тидан фуқаро Умида Тўйчиева га-раз ниятда ўзганинг мулкани қўл-

га киритмоқчи бўлди. У А.Тошев-га агар 500 минг сўм пул берма-сангиз, ўзингизни ҳам, оилангиз-ни ҳам тинч қўймайман, дея да-дага қилди. Товламачи А.Тошев-нинг уяли телефонига бир неча марта телефон қилиб, «SMS» ха-барлар ҳам жўнатди. Танг вазият-та тушиб қолган А.Тошев товлам-ачи аёлининг туҳмат уюштираётгани ҳақида тегишли идорага мурожа-ат қилди. Ўтказилган тезкор тad-бирда Умида Тўйчиева товлама-чилик йўли билан 300 минг сўм пул олаётган пайтда қўлга олин-ди. Қонунларимиз инсонпарвар. Суд Умида Тўйчиеванинг жино-ят ишини амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ кўриб чиқиб, ҳа-ракатдан тўхтатди.

Бухоро шаҳридан фуқаро Ни-

шонжон Қўчқоров автосервисда ишларди. У ўғрилиқ жиноятини содир этгани учун судланди. Шу-нингдек, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидан Умиджон Ху-дойбердиев маҳалладошларини алдаб, одам савдоси жиноятини содир қилганди. Амнистия тўғ-рисидаги қарорга кўра, улар ҳам озодликка чиқарилиди.

Амнистия туфайли билиб-бил-май жиноят кўчасига кириб қол-ган фуқароларга ҳалол меҳнат қилиш имконияти яратилди. Оли-жаноблик, ғамхўрлик, адолатпар-варлиқни ўзида мужассам этган маскур қарор туфайли кўп хона-донларга шодлик кириб борди.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
журналист.

ЭКОМАДАНИЯТ

Фақат хоҳиш бўлса бас

Фарғона шаҳридаги «Ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган, меҳнат фахрийси Алижон ота Ёкубов ариқ бўйига ташлаб кетилган тўқиндиларни кўриб дили хуфтон бўлди.



Бойси бир пайтлар «Дашт ариқ» анҳоридан бутун маҳалла аҳли ичимлик суви сифатида фойдаланарди. Томорқасида деҳқончилик қилиб, хирмон кўтарарди. Бугун эса бу ариқ одамларга бегона бўлиб қолгандек.

Шундан сўнг Алижон ота «Ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркинжон Турдиев билан учрашиб, сув йўлларини тозалаш, тартибга келтириш масаласида маслаҳатлашиб, айбдорларга нисбатан қонун доирасида чора кўришга келишиб олди. Нуронийнинг ўринли ва ҳақли эътирозидан тўғри хулоса чиқарган маҳалла раиси фуқаролар йиғинининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси аъзолари ва фаолларни тўплаб, нуронийнинг орасталик, ободлик, саранжон-саришталлик борасидаги мулоҳазалари, жонқуярлигини ибрат сифатида таъкидлади ва муаммони ўз вақтида ҳал этиш вазифасини қўйди.

Дам олиш кунни маҳаллада катта ҳашар уюштирилди. «Дашт ариқ» ҳамда «Болтақўл» зовури тозаланиб, тартибга келтирилди. Бугун қиш бўлишига қарамасдан, равон ўзанларда обиҳаёт тўлиб-тошиб оқаётди.

— Табиат мусофалигини сақлаш, теварак-атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масаласи доимий эътиборимизда, — дейди йиғиннинг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш

ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси раиси Раҳматжон Қориев. — Ҳафтанинг ҳар дам олиш кунни маҳаллада тозалик кун деб эълон қилинган. Бу тадбир ўзига ҳос анъана тусини олган. Ёши улуглар бу борадаги ишларда навқирон авлодга ибрат бўлишаётди. Бу эса уларни она табиятга дўстона муносабатда бўлишга ундайди. Қолаверса, маҳалламизда ҳудуд ободлигини сақлаш борасидаги ишларни ривожлантириш мақсадида турли танлов ва тадбирлар уюштирамиз. Худудимиздаги 38-умумтаълим мактаби мутасаддилари билан ҳамкорликда «Ёш эколог», «Табиат билимдонлари» тўғараклари фаолияти ҳам аynи шу мақсадга йўналтирилган.

Баҳор ойида «Кўчат экиб, боғ ярат» акцияси доирасида 900 дан зиёд хонадонда, маҳалла ёшларини жалб қилган ҳолда минглаб гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган эди. Айни пайтда ўтказилган айрим гул кўчатлари туваларга кўчирилиб, уй шароитида парваришланаётди. Бундай тадбир фарзандларимизда табиятга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Сирасини айтганда, «Ипак йўли»да экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, эзгу мақсад йўлидаги ташаббуслар юрт ободлиги, эл фаровонлигига хизмат қилмоқда.

✶ **Муҳбиримиз.**

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Ҳунарманду тадбиркорлар сони ортмоқда

Йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» кўмағида жорий йилнинг ўзида 4 нафар ёш тадбиркор ўз бизнесини йўлга қўйди, 3 нафар ҳунарманд республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзосига айланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳақида гап кетганда кўпчилик маъмур ҳудудни «ҳунармандлар маҳалласи» дея эътироф этади. Аслида ҳам шундай. Йиғин ҳудудида фаолият юритаётган 41 нафар якка тартибдаги тадбиркорнинг 20 нафардан зиёди уста-ҳунарманд.

Маҳалла аҳлининг, жумладан, ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» аъзолари қаторида маҳалла раиси Вилоят Худойбердиевнинг ҳам ҳиссаси катта. Раис каштачилик, зардўзлик сингари момомерос ҳунарларни эгаллашга интилаёт-

ганлардан ёрдамини аймайди, давра суҳбатларида ҳунармандчиликнинг турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим омил эканини уқтиради.

— Бутунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди йиғин раиси. — Шундай бўлса-да, баъзи фуқаролар қўлида ҳунари бўла туриб, ўз бизнесини қандай ташкил этишни билмайди. Бу борада «Маслаҳат марказлари», Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг кўмағи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғин қошида тикиш-бичиш, зардўзлик, тўқиш тўғараклари ташкил этилган. Айни пайтда 15 нафардан зиёд хотин-қиз ҳунар ўрганаётди. Яқинда Маъмура Серманова тикувчилик ательесини очиб истагида маслаҳат сўраб мурожаат қилди. «Маслаҳат маркази» ходимлари унга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, иш фаолиятини йўлга қўйиш



учун алоҳида хона ажратишга кўмаклашди. Натижада ҳудудда яна бир тикувчилик тармоғи иш бошлаб, 4 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Яна бир ишбилармон Зарифа Ешембетова ташаббуси билан яқинда «Ўзалик салони» иш бошлайди. Салон ишга тушса, 3-4 нафар ёш ишли бўлади.

Шунингдек, «Маслаҳат мар-

кази» тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқароларга бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича ҳам маълумот бериб келяпти. Хусусан, марказ кўмағида Маҳфуза Илашева, Гулрияно Бухорова, Камола Орипованинг республика «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб,

тадбиркорлик имтиёзларидан фойдаланган ҳолда солиқдан озод этилишига эришилди.

Айни пайтда тўғарак фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек, тикилаётган миллий либослар кўрғазмасини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

✶ **Моҳиҳеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

Ширкатга шикоят тушмади

Наманган шаҳрининг Давлатобод даҳаси, асосан, кўп қаватли уйлардан иборат. Шу боис ҳудудда фаолият кўрсатаётган ўндан ортққ маҳалла фуқаролар йиғиналари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, «Порлоқ» маҳалласида бўлганимизда ана шу ҳамжўҳатлик самарасига гувоҳ бўладик.

Таъкидлаш жоизки, бу ердаги ҳар бир кўп қаватли уй олдида мўъжазгина гулзору болалар майдончаси барпо қилинган. Бир текисда экилган манзарали дарахтлар атрофга чирой бахш этибгина қолмай, ҳудуднинг баҳаволигини ҳам таъминлаётди. Энг асосийси, уйларнинг ташқи кўриниши чиройли таъмирланиб, бир хил рангга бўялган. Йўлакларга кираверишдаги ўриндиқлар атрофдаги тозаликни кўриб ҳавасингиз келади.

— Худудимиздаги 60 та кўп қаватли уйда яшаётган аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш асосий эътиборимизда, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мактуба Абдулҳафизова. — 23 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларининг саты-ҳаракати туфайли йиғин аҳолиси қиш мавсумини кўнгилдагидек, ортиқча муаммоларсиз ўтказаётди. Охириги уч-тўрт йилда ҳар бир уйнинг ертўласидан тортиб, томигача тўлиқ таъмирдан чиқаришга эришилди. Шу боис жорий йилнинг шу кунига қалар аҳолидан ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ.

Дарҳақиқат, 1-кўп қаватли уй-

нинг ҳолати билан танишганимизда маслаҳатчининг гапи тўғри-лигига гувоҳ бўлдик. Матлуба Рўзиматова бошчилик қилаётган «Шохрух-ҳамжихат кўшнilar» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан уй мукаммал таъмирдан чиқарилган. Кириш йўлаклари ва ертўлага эшиклар ўрнатилиб, уй бошиқларидан масъуллар бириктирилган.

— Ширкатимиз маҳалладаги тўртта кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, — дейди «Яшараётган Наманган» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Мўътабар

Қодирова. — Ўтган йили қиш мавсуми бошланишидан аввал ҳар бир уйнинг том қисмини қайта кўриб чиқиб, чакка ўтмаслиги чораларини кўрдик. Қолаверса, ширкат қошида малкали чилангарлардан иборат навбатчи гуруҳ ташкил этиб, муаммо чиққан жойда тезкор таъмирлаш ишларини олиб боришни йўлга қўйганмиз. Шу тариқа қишқи мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга эришялмиз.

Эътиборлиси, худди шундай навбатчилик фуқаролар йиғини биносидида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳ билан ҳудуддаги 23 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Қайси уйдан мурожаат тушса, ўз вақтида уни бартараф этиш чоралари кўриляётди.

✶ **Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»**




ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Агарда шундай савол берилса, қандай жавоб қайтарган бўлардингиз? Аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқларимиз ҳақида умумий тушунчага эга эканлигимиз аниқ. Аммо бу ўз ҳақ-ҳуқуқларимни билан, дейишга асос бўла олармикан?!

Сир эмаски, юртимизда мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бироқ амалиётда бу борада белгиланган тартиб-қоидаларни барча ҳам тўла англаб етмаганини кузатиш мумкин.

Мисол учун, ўтган йили бир танишим Самарқанд шаҳридан фалон сўмга уй сотиб олганини эшитгандим. Яқинда қишлоқда унинг квартира учун тўлаган пулини ҳам, оғзаки асосда олинган сотди ҳақиқий эмас деб топилди.

«Газдан қарзингиз бор экан. Ижро иши юритишни кўзғатиш



даги маблагга қўйиб қолган ҳам-қишлоғим судга мурожаат қилибди. Табиийки, суд унинг мурожаатини қаноатлантирмаган.

Сабаби, фуқаролик кодексига кўра, кўчмас мулк олинганда ё

сотишганда бу ҳақда ёзма тарзда шартнома тузиш ва нотариал рўйхатдан ўтказиш лозим. Мазкур шартларга риоя қилинмаганда эса олди-сотди ҳақиқий эмас деб топилди.

Бундай ҳолатга кўпчилигимиз гувоҳ бўлганмиз. Суд ижрочилари ижрони яқунлаш учун аниқ муддат белгилангандан сўнг ҳам қарзни қопламаган шахсларнинг уйдигаи ашёларни қўздан кечиради.

— Яқинда департаментдагилар келиб уйдан телевизормизни

олиб кетишди. Бир иложини қилиб шунга қайтариб олишга ёрдам берсангиз, — дейди яна бир танишим.

Унга белгиланган жаримани тўлаб, мулкни қайтариб олиши мумкинлигини тушунтирдим.

Албатта, жамиятда ҳуқуқий билим ва саводхонлиқнинг юксалиши маълум бир маррага эришиш билан чегараланмайди. Бу жараён мунтазам ўрганишни тақозо этади. Чунки даврнинг шиддат билан ўзгариши амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Натижада жамиятимизда янги ҳуқуқий таъмоийлар мустаҳкамланмоқда. Демак, фуқаролар ўз ҳуқуқларининг умумий жиҳатларини эмас, балки унинг ўзини яхши билиши учун бу борада мунтазам ахборот олиб туришлари зарур.

Таъкидлаш ўринлики, юртимизда маъмур йўналишида янги услуб ва воситаларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, ҳуқуқий ахборотни интернет орқали етказиб

бериш амалиёти йўлга қўйилиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базиси — «lex.uz» ташкил қилинган.

Шу ўринда яна бир гап. Жанубий Корея Республикаси ахборот технологиялари, шу жумладан, электрон ахборот аламунивуи (муайян ташкилотга мурожаат, қандайдир янгиликдан хабардор бўлиш савдо ёки бошқа муносабатларда) энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бундай даражага фақат ҳукумат ўтказган ислохотлар орқали эмас, катта ёшли фуқароларнинг ижтимоий-қўнғилочар тармоқлардан кўра фойдаланиш тармоқларида ишлаш борасида ёшларга ибрат, намуна бўлганлиги орқали эришилган.

Ҳуқуқий билим ва саводхонликни юксалтириш, ёшларда қонунларга итоаткорлик ҳиссини кучайтиришда бу каби тажрибаларни амалиётга жорий этиш ҳар жиҳатдан фойдали.

✶ **Камола ЖЎРАБОВЕВА.**

Катталар ибрат ва намуна кўрсатса...

БАХТ СИРИ НИМАДА?

Тотувлик умрнинг саодатидир

Бир маҳаллада икки оила қўшни бўлиб яшар:

бирида доимо жанжал, иккинчисида эса тотувлик барқарор эди. Боши ғаввадан чиқмайдиган аёл қўшнисининг тинч, бахтиёр турмуши боисини тушунмай уларга ҳасад билан қарарди.

Бир кун у қўшнисининг очик турган эшигидан ҳовлисига секингина ўтиб, пинҳона уй эгасини кузата бошлади. Қўшни аёл ўзича хиргойи қилиб, уйни тартибга келтираётди. Қимматбаҳо биллур идишининг чангини артаётганида уй телефони жиринглаб қолди. Аёл ишидан чалғиб, биллурни столнинг четига қўйиб, қўнғироққа жавоб бериш учун чиқиб кетди. Шу вақт хонага эри кириб, беҳосдан столга туртиниб, идишни тушириб юборди. Биллурнинг синганини пана жойда кўриб турган томошабин қўшни аёл «Энди эр-хотин жиққа-мушт бўлади», деб воқеалар давомини иштиёқ билан кута бошлади.

Аёл эрининг олдида келиб, афсусланган ҳолда хўрсиниб: «Дадаси, кечиринг, айб менда. Эҳтиётсизлик қилиб биллурни столнинг четига қўйибман», деди.

— Нега ундай дейсан, мен айбдорман. Шошилганим учун биллурни кўрмай қолибман.

— Ҳечқиси йўқ. Бошқа бизда бундай кўнгилсизликлар бўлмасин, — дея табассум билан жавоб қайтарди аёл.

Ҳовлининг бир четига воқеани кузатиб турган қўшни аёл бу муомалани кўриб-эшитиб юрагида бир нарсa зирқирагандек бўлди. Уйига қайтган, ҳасад билан эмас, ҳавас қилиб яшаш кераклигини англаб етибди.

Ҳа, кескаларимиз бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун фойз-барака кўтарилади, деб бежиз айтмайдилар. Буни арзимас сабаблар билан ажрашиб кетаётган айрим ёш оилалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бундайлар ҳаётнинг паст-баландини елкама-елка туриб енгиб ўтган катта оилалардан ибрат олса арзийди.

Ортиқ бобо ва Шакарой момо Ҳақбердиевлар ана шундай ўрнатма муносиб оилалардан. Мана, эллик йилдан бери Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Хўжа Кўрғон» маҳалласида аҳил-иноқликда яшаб келаётган ушбу оилага барча бирдек ҳавас қилади. Ҳақбердиевлар оиласи бошлиғи маҳалланинг Яраштириш ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари аъзоси сифатида ҳам ёшлардан маслаҳатларини аймайди.

— Оилада ҳар хил вазиятлар рўй бериб туради. Кувончли кунларда ҳам, ташвишли дамларда ҳам бир-бирига елкадош бўлган эр-хотингина бахт нималигини яхши тушунади, — дейди Ортиқ ота. — Баъзи ёш оилаларнинг арзимас келишмовчиликлар сабаб ажрашиб кетаётганини эшитиб ҳайрон қоламан. Бундай кимсалар оила беқарорлигини бойлик, мансаб билан боғлашади. Албатта, ўткинчи сабаблар билан муқаллас кўрғонга дарз кетаётгани ачинарли ҳол. Мана, эллик йилдики, турмуш ўртоғим билан оиламиз тотувлигини сақлаш учун ҳаёт қийинчиликларини биргаликда енгиб, фаровон турмуш кечириб келялмиз. Ҳаётим давомида шунга англаб етдимки, сабр ва тинимсиз меҳнатгина бахтга етаклайди. Эрхотиннинг бир-бирига бўлган ҳурмати оила мустақамлигини таъминлайди.

Самарқанд давлат университетини тугатиб, радио, газета ҳамда тумандаги 24-умумтаълим мактабидида ўқитувчилик қилган Ортиқ ота турмуш ўртоғи билан икки ўғил, беш қизни вояга етказиб, барчасини ўқитди, уйли-жоили қилди. Бу оила бутунги дориламон кунларда набарилар қуршовида бахтиёр яшаётди. Ҳар иккиси ҳам тетик, бардам. Момонинг айтишича, бунинг сирини меҳнатда.

— Ҳақбердиевлар оиласи — маҳалламиз фахри. Уларни, айниқса, ёш авлод жуда ҳурмат қилади, — дейди «Хўжа Кўрғон» маҳалла раиси Маҳмуд Темиров. — Чунки ёшларимиз мана шу жуфтликка қараб бахтиёр яшаш сирини ўрганишади. Қизларимиз эса Шакарой момодан тикувчиликни ўрганиб, сарполар тикишади. Бўлажак келинларимиз ҳам сарполарини тайёрлаш учун Шакарой момога бююртма беришади. Меҳнатда чиниққан фаҳримиз ҳашар ишларида ҳам бош-қош.

Дарҳақиқат, кимдир бахтни мол-дунё, кимдир мансаб, яна кимдир тинч-тотувликда деб билади. Бизнингча, энг катта бахт тинч-осойишта юртда фарзандлар камолини кўриб яшашдир.

✶ **Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ «Mahalla»**

ШОҲСУПА

Кураш ҳалол олишув, иродани тоблаш машқидир

Юртимизда азалий спорт тури — миллий курашни янада ривожлантириш, нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бир неча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилаётгани эртанги кунимиз эгалари ўртасида миллий курашга бўлган қизиқишнинг янада ошишига, шунингдек, истеъдодли ёш полвонлар кашф этилишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Жом» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Хусан Элмирзаев спортга иштиёқманд ёшлардан. Миллий кураш бўйича икки карра Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган бу полвон билан бутунги кунда эришяётган муваффақиятлари, келажакдаги орзулари ҳақида суҳбатлашдик.

— Маҳалламизда азалдан шундай: турли байрамлар олдида мусобақалар ўтказилади. Тўйларда улоқ-қўпқари ёки кураш ташкил қилинади. Бундай беллашувларда катта полвонлар тайёргарлик кўриб олгунларича ёки дам олишаётганда болаларга навбат берилади. Менда спортга бўлган иштиёқ ана шундай давраларда шаклланган, десам адашмайман. Чунки қишлоқда кураш тушиб, ютуқларни қўлга киритганимдан сўнг катта полвон бўлишни ният қилганман.

— Оилангизда спортга иштиёқмандлар борми?



— Оиламизда спортга қизиқувчилар бор. Айниқса, отамнинг курашга меҳри бўлакча. Ҳалигача маҳалламизда ўтказиладиган тадбирларда, Наврўз байрамларида уюштирилаётган кураш мусобақаларида майдонга тушиб куч синашади. Мендаги спортга қизиқиш, назаримда, отамдан ўтган. Бугун отам мамлакатимизда биз, ёшларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида гапиради, улардан унумли фойдаланишимиз кераклигини уқтиради. Ҳеч эсимдан чиқмайди, биринчи марта маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган турнирда иштирок этиб, икки рақибимни енгдим. Бироқ мусобақаларим орасида ёшим анча кичик бўлганиданми ёки таж-

рибасизлигимданми, чемпион бўла олман эдим. Аммо шу икки галаба билан мураббийлар эътиборига тушганим кейинги муваффақиятларимга замин ҳозирлади.

— Кураш инсонни нафақат жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам камолга етказди дейишди. Сиз бу ҳақда нима дея olasиз?

— Мураббийим Ризмат ака рақибни ҳурмат қилиш зарурлигини бот-бот такрорлайди. Нотаниш курашчи билан беллашганда ҳадиқсирамасликни, аксинча, гиламга чиққанда фақат ўз кучимизга ишонишни уқтиради. Айниқса, Паҳлавон Маҳмуднинг танитлиги борасидаги ривоятлари кураш ҳалол олишув, иродани тоблаш

машқи экани ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади, руҳимизга тетиклик бағишлаб, билгимизга куч беради.

Мураббийимнинг айтган ана шундай сабоқлари ҳамда ота-онамнинг қўллаб-қувватлаши туфайли икки марта Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлдим.

— Бу ютуқдан ота-онангиз, яқинларингиз билан бирга бутун маҳалладошлар хурсанд бўлгани табиий. Шундай эмасми?

— Албатта, маҳалладошларимнинг ишончи мен учун ҳамма нарсалар қадри. Ҳар бир мусобақада уларнинг мени қўллаб-қувватлаб туришганини дилдан ҳис этман. Биласизми, ютуқли онларимда ҳам, мағлубиятли дамларимда ҳам улар менга далда беришади, орта чекинмай олға боришга ундашади. Бундан беҳад қувонаман. Ўтган йили Навоий вилоятида ёшлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида голибликни қўлга киритганимда туман, вилоят мутасаддилари келиб, ота-онамга, қолаверса, маҳалладошларимга ҳам ташаккурнома билдиришди. Шунда отамнинг: «Энди янада яхшироқ шуғулланишнинг, ўз устингда янада кўпроқ ишлашинг, сенга билдирилган ишончини масъулият билан оқлашинг керак», дея айтган гаплари маррани юқори оқиб, баланд чўққиларни забт этишга руҳлантиради.

Келгусида кураш бўйича юқори муваффақиятларга эришиб, Ўзбекистон спортини дунёга танитишни кўнглимга тукканман. Айни пайтда Самарқанд олимпия заҳиралари тайёрлаш спорт мактабида тажрибали мураббийлар ёрдамида маҳоратимни ошириб бораётман.

✦ **Ёқубжон МАРҚАЕВ**
«Mahalla»

ХУШҲАБАР

Болажонлар қувончи чексиз



Соғлом она ва бола йили Ғиждувон шаҳрида ўсиб-улғаяётган болажонлар учун шоуд хуррамликлар билан бошланди.

Гап шундаки, спортнинг турли йўналишларида таълим-тарбия олиб бораётган 7-бола-лар ва ўсмирлар спорт мактаби қайта капитал таъмирдан чиқарилди. Эндилликда ўқувчилар замонавий жиҳозланган, кўркам ва ораста синфхоналар, спорт залларида машгулотлар олиб боришади.

Ғиждувонлик болажонларни янада шодлантирган хушхабар-

лардан бири — сузиш ҳавзаси биносининг фойдаланишга топширилгани бўлди. Ёпиқ турдаги сув спорти саройи аллақачон энг гавжум жойга айланди.

Ҳар иккала қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 4,7 миллиард сўмлик маблағи ҳисобига амалга оширилди. Айни пайтда ушбу масканларда юзлаб болалар ўзлари севган спорт тури билан жиддий шуғулланаётгани уларнинг соғлом улғайиши, янги чемпионлар етишиб чиқишига замин яратади.

✦ **Мурод МАҲМУДОВ.**
Бухоро вилояти.

БУ — ҚИЗИҚ!

Олимлар шу чоққача Ернинг табиий йўлдоши — Ойнинг қандай пайдо бўлгани ҳақида турли фаразларни илгару суришган бўлса-да, улар ўз тасдиғини топмаган эди.

Яқинда «The Science» журналида эълон қилинган мақола бу борадаги илмий муаммоларга ойдинлик киритди. Фалакиётшуносликда Ойга қадар илк бор пайдо бўлган бирламчи фазовий жисм Тейя деб аталади. Кейинги 30 йил мобайнида Тейянинг Ер муртағи(илк ҳолатдаги бўлағи)га урилиб кетиши оқибатида ҳозирги Ой пайдо бўлган, деб келинади.

Лос-Анжелесдаги Калифорния уни-

Ой қандай пайдо бўлган?

верситетининг Эдвард Янг раҳбарлигидаги олимлар бу фаразга зарур тузатиш киритишди. Яъни уларнинг фикрича, агар шундай бўлганда Ой туپронининг асосий қисми Тейя жисмидан иборат бўлиши ҳамда таркибига кўра, Ой ва Ернинг туپроқлари бири-бирдан кескин фарқланиши керак эди. Бироқ Ер ва унинг табиий йўлдоши Ойнинг тупроғи таркиби бири-бирига жуда яқин. Бундан эса бошқа хулоса келиб чиқади.

Эдвард Янг ва унинг ҳамкасблари Ер ва Ойнинг «оғир» изотопларидаги кислород миқдорини таққослаш ва таҳлилдан ўтказиш натижасида янги хулосага келишди. Яъни ҳажми Марс сайёраси қадар келадиган самовий жисм — Тейя

Ернинг илк ҳолатдаги муртағи билан қарама-қарши йўналишда тўғри бурчак бўйича катта тезликда тиккама-тикка тўқнашган. Бундай қаттиқ тўқнашув оқибатида Тейя Ер қобитини ёриб кирган ва ундаги жинсларни эритиб, аралашиб, қўшилиб кетган. Бу аралашмалардан бир қисми фазога сочилиши ва улар охири-оқибат ягона фазовий жисмга «бирлашиши» натижасида ҳозирги қиёфадаги Ой вукулга келган. Айнан мана шу хулоса 2012 йилда Ўзга тамадунларни излаш институти астрономлари томонидан ҳам илмий назария сифатида илгари сурилган эди. Эндилликда бу назария ўз исботини топди.

✦ **Мурод АБДУЛЛАЕВ** тайёрлади.



Безгакка чора топилади

Бразилиялик тиббиёт олимлари «аздес» чивини орқали тарқалаётган «зика» вирусининг ДНКсини кашф этди.



«The Science» журналида эълон қилинган мақолада ёзилишича, Рио-де-Жанейро федерал универ-

ситети тадқиқотчилари безгакнинг танада қандай ҳаракатланишини кузатишга муваффақ бўлди. Бу янги вакциналар ишлаб чиқариш ва тест ўтказиш учун қувонарли натижадир. Профессор Ренато Сантана вирус катталардан кўра кўпроқ болалар ва ўсмирларнинг мия ҳужайралари тўқималарига ўрнашаётгани сабабини айтиб ўтган ва албатта, унга қарши чора топилишига ишонч билдирган.

Рекорд янгиланди

Янги зеландиялик спортчи Анна Кочране ҳаво шарига илинган иплар билан 3 минг метр баландликда туриб, Гиннесснинг рекордлар китобига киришга муваффақ бўлди.



«ria.ru» сайтида ёзилишича, спортчи ўз ҳаяжонини шундай ифода этган: «Одатда осмонда парашют билан парвоз қилардим. Бу сафар ўзимни жуда ноқулай ҳис қилдим».

Кочраненинг рекордини 11 киши кузатиб борди. Улардан икки нафари Гиннесснинг рекордлар китоби вакиллари.

✦ **Интернет хабарлари асосида**
Умар ҚУДРАТОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан Якубов Баҳодир Исроиловичга 2013 йил 18 март кунини берилган Юнусобод тумани К.Зарипов кўчаси 17-уй манзилида жойлашган бинога эгаллик ҳуқуқи ҳақидаги ТА 1749791 серия(10:07:04:02:5832:0001 кадастр рақам)ли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Mahalla» газетаси тахририяти жамоаси газета муҳбири Фарҳод Эсоновга опаси **Салима ЭСОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.